



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 27 декабрь 24 (427)-сон

hamkor.press@mail.ru



2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ



**“НАМКОРBANK” АТБ
БОШҚАРУВИ РАИСИ
БАХТИЁРЖОН ЖЎРАЕВНИНГ**

Янги йил табриги

Яна бир йил тарих саҳифаларига муҳрланиб, бетакрор диёримизга янги – 2023 йил кириб келмоқда. Шу боис юртдошларимизни, барча ҳамкорларимиз ва мижозларимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Яқунланаётган йилда юртимиз ҳаётида, хусусан, бизнинг банкимизда сезиларли ютуқ ва марралар кўп бўлди. Мустақиллик билан тенгдош банкимиз ташкил топганининг 31 йиллигини кенг нишонладик.

Албатта, бу санани жамоамиз ўзига хос катта ютуқлар билан қарши олди. Устав капиталимиз ўсди, банкнинг активлари янада ошди. Янги маҳсулотларнинг киритилиши, кредит ва валюта операциялари ҳажмининг ошиши, банк тармоқларининг кенгайиши бунинг ёрқин мисолидир.

Кейинги йилларда республикаимизда ахборот технологияларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бу жараён бизнинг фаолияти-мизда ҳам ўз ифодасини топаётти. Фаолиятимизни рақамлаштириш, трансформация қилиш, янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг босқичма босқич онлайн тизимига ўтказилаётганлиги мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда. Бу ўз-ўзидан банкимизни ривожлантиришга, молия бозоридаги ижобий рақобатни енгишига олиб келади.

Янги 2023 йилда ўз олдимизга янада юксак марраларни вазифа қилиб олдик. Аввало, иқтисодиётимизни юксалтириш йўлидаги ислохотларда фаол иштирок этамиз. Банк-имиз фаолиятини кенгайтириш ва даромадларини ошириш унинг асосини ташкил этади. Барқарор ресурслар базасини шакллантириш ва хизмат сифатини янада ошириш ҳам диққат эътиборимизда бўлади. Буларнинг замирида халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш ва иқтисодиётимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишдек эзу қақсад ётибди.

Фурсатдан фойдаланиб, 2022 йилдаги самарали фаолияти учун ҳамкорларимиз ва мижозларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Янги йилда янги муваффақиятлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин!



“НАМКОРBANK” ДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.


**КЕЛГУСИ
СОНЛАРДА:**



*** ДУНЁНИ
ЎЗГАРТИРГАН
МОЛИЯЧИЛАР**



*** ХОДИМ ҲУҚУҚИ
БУЗИЛГАНДА**



*** АГАР
ПУЛИНГИЗ
КЎП БЎЛСА...**



*** КРЕДИТ
СКОРИНГИ
НИМА?**



*** ОИЛА
БЕКАТИДА**

*** “ҚИРҒИЗБОЙ”
МАСЖИДИ ҲАҚИДА
БИЛАСИЗМИ?**

*** ТОШКЕНТ
ТЕЛЕМИНОРАСИГА
САЁҲАТ**

*** ЭНГ ФАОЛ ГАЗЕТХОН
ТАҚДИРЛАНАДИ**



КУН
ҲИҚМАТИ:

Гапга чечанлик ва ёқимли чехра ҳамма вақт ҳам инсоний фази-латни билдиравермайди.

КОНФУЦИЙ.

БУ ТЎҒРИДА МУРОЖААТНОМАДА АЙТИЛГАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномаси жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Унда билдирилган ҳар бир фикр эътиборимизни тортиш баробарида зимманимизга катта масъулият юклайди. Чунки белгиланган вазифалар Ўзбекистонни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Қолаверса, ҳаётимизда янги давр бошланишини кўрсатиб берибди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ДАВР БОШЛАНАДИ

Мурожаатномада Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб айтилган ҳар бир вазифа барчамиз учун дастуриламал. 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилиши инсон қадрига, инсон омилига эътибор, таълимга эътибор қаратиш келажакка қаратилган эътибор демакдир.

"Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккан ягона тўғри йўлидир". Президентимизнинг ушбу кенг маъноли сўзлари нафақат таълим тизими ходимлари, балки, барчамизга тааллуқлидир. Бунга биз ўзимизнинг самарали меҳнатимиз, таълим сифатини янада ошириш, ватанпарварлик руҳида яшаш билан жавоб қайтаришимиз лозим.

Жамиятда ўқитувчиларнинг мақомини ошириш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, мактаб, коллеж ва техникумлар ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш масаласига шунчаки қараб бўлмайди. Унинг замирида янги Ўзбекистон, эртанги кунимиз ётибди. Таъкидланганидек, "Нажот – таълимда, нажот тарбияда, нажот – билимда".

Охириги йилларда эришган ютуқларимиз билан қанча фахрланасан арзийди. Шун-

га қарамай Президентимиз халқимизни маррани янада баланд олишга ундамоқда. Айни шу мақсадда "...Қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улғу, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз", дея халқимизни олға қадам ташлашга бошладилар. Бундан руҳланмай, бу ҳаракатга қўшилмай бўлмайди.

Мени қувонтирган яна бир нарсаси Юртбошимизнинг халқимизга камтарона, самимий таъзим қилгани. "...ислохотларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаяётган, барча синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз равнақига бекиёс ҳисса қўшаётган мард ва олижаноб, бағрикенг халқимизга яна бир бор таъзим қиламан", дейиши барчамиз учун ибрат. Бунга жавобан ҳар биримиз белгиланган вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Шунда Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз.

Расулжон МУХТОРОВ,
"Hamkobank" АТБ фахрийлар
кенгаши раиси.

ИНСОН ҚАДРИ
УЛУҒЛАНАДИ

Мурожаатномада давлатимиз сиёсатининг бош мақсади инсонпарварлик эканлиги яна бир бор ўз ифодасини топди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни учинчи йўналиш сифатида белгиланиши айни муддао. Негаки, бу қонун устувор бўлган ва адолатли жамиятнинг шартини демекдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастиги, судларда одамларнинг овозгарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда", дея алоҳида таъкидланди. Ўз ўрнида тизимдаги муаммоларнинг ечимини ҳам кўрсатиб ўтди. Жуда қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгилашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилади. Натижада одамларнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади.

Келгусида илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолияти ҳам янги босқичга олиб чиқилади. Маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади.

Қонун ижодкорлиги, инсон қадрига бўлган эътибордан хурсандман. Бугун фуқаролар ўз ҳуқуқларини тушуниб етиш баробарида суд идораларига ишонч билан кириб бормоқда. Келгуси йилда бу йўналишда яна бир қатор ислохотлар амалга оширилиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар қонунчилигимизни мустаҳкамлаш билан бирга юртдошларимизнинг давлатга, амалдаги қонунларимизга бўлган ишончини оширади. Натижада Ватан тараққиёти учун дахлдорлик туйғуси ортади.

Камолдин АМАНОВ,
ҳуқуқшунос.

Forbes USA ҳисоб-китобларига кўра, 2022 йилда дунёнинг энг бой одамлари 1,9 триллион доллар йўқотган ва баъзилари ҳатто миллиардерлар сафидан бутунлай чиқиб кетган.

ЭНГ БОЙ ОДАМЛАР
БУ ЙИЛ ДЕЯРЛИ 2 ТРИЛЛИОН
ДОЛЛАР ЙЎҚОТДИ

2022 йил кўплаб муваффақиятли тадбиркорлар учун оғир кечди. 2020 ва 2021 йилларда дунёнинг энг бадавлат кишиларининг умумий бойлиги триллионлаб долларга ошган эди, бироқ бу йил улар биржа бозоридаги бўҳронлар, Россиянинг Украинага бостириб кириши ва кескин инфляция каби салбий ҳолатларга дуч келди.

Forbes USA маълумотларига кўра, миллиардерлар сони 2671 дан 2523 нафарга камайди.

"Толибон" аёлларнинг уларда ишлаш-ни таъқиқлагани сабабли тўртта халқаро хайрия ташкилоти Афғонистондаги фаолиятини тўхтатди.

Фаолият тўхтатишини бутун дунё бўйлаб болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ХИТОЙ КУНЛИК КОВИД СТАТИСТИКАСИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛИШНИ ТЎХТАТДИ

Хитойнинг коронавирус ҳақидаги маълумотларни эълон қилишни тўхтатиш қарори янги инфекция ҳолатларининг улкан тўлқини фонида пайдо бўлди. Мамлакат расмийлари бундай қадам сабабларини изоҳламади.



Тегишли маълумотлар бундан буён касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари томонидан маълумотнома ва тадқиқот мақсадларида эълон қилинади, деб хабар қилди ХХР Миллий соғлиқни сақлаш комиссияси.

Бу жойда ҳозир коронавируснинг омикрон варианты авж олиб бормоқда. Шунга қарамай, ҳукумат ковидга нисбатан ноль бардошлик сиёсатидан воз кечди ва аҳолини синовдан ўтказишнинг қатъий қоидалари ҳамда саёҳат чекловларини бекор қилди.

ОЛИМЛАР МИСР ФИРЪАВНИ РАМЗЕС II НИНГ
ЮЗИНИ ҚАЙТА ТИКЛАДИ

Олимлар Миср фиръавнларидан бири Рамзес II нинг юзини реконструкция қилди.

Миср ҳукмдорининг ўлимидан 3 минг 200 йил ўтиб унинг юз хусусиятлари қайта тикланди. Бунинг учун Миср ва Англиядан келган мутахассислар бош суягини компьютер томографиясидан ўтказди ва 3D моделини яратди.

Фиръавннинг ташқи қиёфаси технология ёрдамида "ёшартирилди".

Бош суягининг 3D моделини яратган Қоҳира университетидан Саҳар Салимнинг айтишича, моделлаш натижасида "келишган" ҳукмдор пайдо бўлган. Фиръавн Рамзес II буюк жангчи бўлиб, Мисрда 66 йил ҳукмронлик қилган.

НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТЛАР АЁЛЛАРГА
НИСБАТАН ТАҚИҚ ТУФАЙЛИ ЁПИЛДИ

билан шуғулланувчи Save the Children, CARE International, Норвегия қочқинлар агентлиги (NRC) ва Халқаро ёрдам қўмитаси эълон қилди. "Аёл ходимларимизсиз биз Афғонистондаги муҳтож

болалар, аёллар ва эркакларга самарали ёрдам бера олмаймиз", дейилади ташкилотларнинг қўшма баёнотида.

Таққиқ айрим аёлларнинг гўёки "Толибон" томо-



нидан ўрнатилган исломий кийиниш қоидаларига риоя қилмагани ҳақидаги "кўплаб шикоятлар" билан изоҳланади.

7 ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР

Американинг турли штатларида қор бўронлари туфайли миллионлаб кишилар электр энергиясиз қолди, минглаб рейслар бекор қилинди. Ўнлаб кишилар ҳалок бўлган.

АҚШ ВА КАНАДАДА
МИСЛИ КЎРИЛМАГАН
ҚАҲРАТОН

Қаттиқ совуқ ва кучли ёғингарчилик олиб келган кучли киш бўронлари 250 млн. аҳолига эга Қўшма Штатларнинг аксар аҳолиси (учдан икки қисми) истиқомат қиладиган катта ҳудудларини қамраб олди.

Ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли Оклахома, Кентукки, Миссури, Теннесси, Висконсин, Канзас, Небраска, Охайо, Нью-Йорк, Колорадо ва Мичиган штатларида ўлим ҳолатлари юз берган.

АҚШ ва Канада қамраб олган "Эллиотт" бўрони 21 декабрь кун бошланди. АҚШ Миллий метеорология хизматининг маълум қилишича, бундай экстремал ҳодисалар бир авлод ҳаётида бир бор юзага келади.



ЯНГИ ЙИЛ ОСТОНАСИДА

**Замира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
аъзоси, шоира**

ат, руҳан тетиклик
бағишлаган
ютуқларим кўз
олдимдан ўтади.
Энг эсда қоларлиси,

Муҳтарам Президенти-
мизнинг Хоразм воҳасига
ташрифида бир гуруҳ фаол-
лар қаторида учрашдим,
саломлашдик. Ёнма-ён
туриб, меҳрини туйганим
ҳаётимда бир умрга унутил-
мас из қолдирди, мени яна-
да фаол бўлишга чорлади.

Ижодкор аёл сифатида
бир неча республика тан-
ловларида ғолиб бўлдим.
“Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 30 йил-

лиги” кўкрак нишони кўк-
симга тақилганида Ватаним-
га, Ўзбекистонимга бўлган
меҳрим, садоқатим янада
ошди.

Эришган ютуқларимнинг
сабаби тинч ва осуда юрти-
мизда эмин-эркин, истеъ-
додим ва қобилиятимни
намоён этишга имкониятлар
яратилгани, инсон қадрини
улуғлаш тамойилини ўз
меҳнатларим қадрланганида
кўриш. Яна фарзандларим-
нинг камоли, оиламнинг
тинчлигидан ортиқ бахт бор-
ми?

Янги йилда янада катта
ютуқларни кўзлаяпман.

Ҳар бир инсон йил якуни-
да босиб ўтган йўлини таҳлил
қилади. Эришган ютуқларини
сарҳисоб қилади, янги режа-
лар тузади.

Яқунланаётган 2022 йил
мен учун таассуротлар-
га бой бўлди. Орта назар
ташласам кўнглим равшан
тортади. Йил давоми-
да менга куч-қувват, шижо-

**Ҳозирги кунда молия бозоридаги кучли рақобат
муҳити, банк маҳсулотлари ўртасидаги ўхшашликлар
ва мижозлар талаби хизмат кўрсатиш сифатини
янада оширишни талаб этмоқда. Рақобат муҳитида
стратегик устунликка эришиш учун банк маҳсулоти
ва хизматлари турларини кенгайтириш ҳамда уларни
мижозларга сотиш кўламини ошириш зарур. Шунинг-
дек, мижозга мослашиш билан бир қаторда сифат-
ли хизмат кўрсатиш стандартлари муҳим омил
ҳисобланади.**

СТАНДАРТ АСОСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

АҚШнинг “Echo Research ва
Watermark Consulting” томо-
нидан олиб борилган 7 йил-
лик тадқиқотлар натижасида
хизмат кўрсатиш сифати ком-
пания фойдасини ошириши
ва паст даражада хизмат кўр-
сатиш фойдани камайишига
олиб келиши исботланган.
“Economist Intelligent Unit
ва BDO UniBank” томонидан
хизмат кўрсатиш сифатига
сармоя самарадорлигини ва
компания фойдасига таъси-
рини ўрганиш тадқиқотларига
асосан жаҳоннинг 100 минг-
дан ортиқ бошқарув раисла-
рининг 84 фоизи компания
молиявий натижасига хиз-
мат кўрсатиш сифатини ижо-
бий таъсирини таъкидлаган
ва хизмат кўрсатиш сифати
пастлиги оқибатида 68 фоиз
мижоз бошқа банк мижозига
айлиниши аниқланган.

Юқоридагилардан келиб
чиқиб, “Hamkorbank” АТБ
мижозларга хизмат кўрса-
тишда юқори сифатни таъ-
минлаш орқали узоқ муд-
датли рақобат устунлиги ва
бозорда банкнинг барқарор

ўрнини таъминлаб келмоқда.
Бунда 2013 йилда Банк Кен-
гаши раиси И.Ибрагимов
ташаббуси билан Республи-
ка банклари ичида биринчи-
лардан бўлиб йўлга қўйилган
“Мижозларга хизмат кўрса-
тиш стандартлари” муҳим
ўрин тутди.

Ходимларнинг ташқи
кўриниши, кийиниши, иш
жойи ҳамда ҳужжатларни
расмийлаштиришгача бўлган
жараёнлар ушбу стан-
дарт талаблари билан узвий
боғлиқдир. Шу сабаб ходим-
ларни ишга қабул қилишдан
бошлаб алоҳида эътибор
қаратилади. Натижада ҳар
бир ходим ўз фаолиятида
бунга амал қилади.

Бўлимимиз томони-
дан банккимизда ишлаб
чиқилган стандартларни яна-
да такомиллаштириш, улар-
га риоя қилинишини назо-
рат қилишда бир қатор
текширув йўналишлари-
дан фойдаланилмоқда. Сир-
ли мижоз, сирли кўнглироқ,
сифат назорати мутахас-
сисларни текшируви (кура-

БАНК ҲАЁТИ

торлик) орқали ходимлар-
ни рағбатлантириш йўлга
қўйилган. Бу, албатта, иш
унумдорлигини ҳам ошира-
ди.

Швейцариянинг “Business
& Finance Consulting” компа-
нияси томонидан Ўзбекис-
тондаги банкларда хизмат
кўрсатиш сифатини “сирли
мижоз” услубиёти орқали,
микро ва агро кредит йўна-
лишлари бўйича баҳолаш
ва ўрганишлар ўтказилган.
Охириги ўрганишларга асосан
банккимиз мижозларга хизмат
кўрсатиш сифат даражаси-
га бошқа банкларга нисбатан
энг юқори баҳо берилгани
эътироф этилди.

Яқунланаётган 2022 йилда
Хоразм минтақавий, Яккаса-
рой, Каттақўрғон, Истиқбол,
Юнусобод, Урганч универсал
банк хизматлари офисларида
сифатли хизмат кўрсатишда
яхши натижалар қайд этил-
ди, Гурлан (Урганч), Самоний
(Бухоро), Фаровон (Навоий),
Шохсарой (Юнусобод) ҳамда
Тошлоқ (Марғилон) банк
хизматлари офислари ҳам
мижозларга сифатли хизмат
кўрсатишда ўрнатилган бўлмоқда.
Буни ана шу муассасаларда
мижозлар сони ўсиб бораёт-
ганида ҳам кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтган-
да, ҳар қандай хизмат стан-
дарт талабларида бўли-
ши замон талаби. Акс ҳолда
рақобатчилардан ортда
қолиш мумкин.

**М. ҚОДИРАЛИЕВ,
“Hamkorbank” АТБ
мижозларга хизмат
кўрсатиш
стандартлаштириш
бўлими бошлиғи.**

СИЗНИНГ ҲУҚУҚШУНОСИНГИЗ

САВОЛ: Автомобиль сотиб олиш учун
автосалонга пул топширганман. Бироқ,
автосалон шартномада кўрсатилган
вақтда етказиб бера олмапти. Нарх-наво
эса ўсиб бормоқда. Амалдаги қонунчилик
асосида қандай йўл тутишим мумкин?

Санжарбек ОТАВАЛИЕВ,
Наманган.

АВТОТРАНСПОРТ СОТИБ ОЛИШДА ҚОНУН БУЗИЛСА

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик
кодексининг 386-моддасига кўра олди-сотди
шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни
бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топши-
риш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товар-
ни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул
суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.
Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дав-
лат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомо-
тотранспорт воситаларининг олди-сотди шартно-
маси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Шунга кўра мажбуриятларни бажармаганлик
ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулк
жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Сиз
билан автотранспорт воситасини етказиб бериш
учун шартнома имзолаган диллери ўртасида тузил-
ган шартномада жарима ёки пеня шаклида белги-
ланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул
қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъ-
минлаш усулларида бири ҳисобланади.

Агар шартномада автотранспорт воситасини
белгиланган муддатда етказиб берамаганлик учун
неустойка тўлаш назарда тутилган бўлса, сиз талаб
қилишга ҳақли ҳисобланасиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси-
нинг 333-моддасида мажбуриятларни бузганлик
учун жавобгарлик асослари келтирилган бўлиб,
унга кўра қарздор айби бўлган тақдирда маж-
буриятни бажармаганлиги ёки лозим даража-
да бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки
шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўл-
са, жавоб беради.

Мажбуриятни бажармаслик ёки лозим дара-
жада бажармаганлик учун пеня, жарима ёки
фоизларнинг ҳисобланиши мажбуриятни бажариш
муддати тугаган куннинг эртасидан, бун-
дай муддат белгиланмаган ҳолларда эса, креди-
тор томонидан мажбуриятларни бажариш талаб
қилинган кундан етти кунлик муддат ўтиши билан
бошланади.

Кодексининг 420-моддасига кўра агар сотув-
чи олдиндан ҳақи тўланган товарни топшириш
бўйича мажбуриятини бажармаса ва олди-сотди
шартномасида бошқача тартиб назарда тутилма-
ган бўлса, олдиндан тўланган сумма учун товарни
топшириши лозим бўлган кундан бошлаб товар
сотиб олувчига топширилган ёки унга олдин-
дан тўлаган суммаси қайтариб берилган кунгача
фоизлар тўлалиши лозим.

Юқоридигиларга асосан, Сиз шартномада
белгиланган муддатда автотранспорт воситаси
етказиб берилмаган тақдирда етказилган зарарни
тўлинишни талаб қилишга ҳақли ҳисобланасиз.

**Муҳаммадусмон АБДУВАЛИЕВ,
Шахрихон тумани адлия бўлими масъул
ходими.**

ЯНГИ ЙИЛ ОСТОНАСИДА



Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

— 2022 йил ҳаётимизда ўзининг изини қолдириб тарихга айланмоқда. Жуда кўп воқеалар, ҳодисаларга бой йил бўлди. Шахсан мен учун ҳам унутилмас. Халқ вакили сифатида Ўзбекистонни янада ривожлантиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашдим.

Ҳаётимдаги энг эсда қоларли воқеа 7-19 ноябрь кунлари Америкада хизмат сафарида бўлган кунларим. АҚШ Конгресси томонидан молиялаштирилган "Open world" дастури лойиҳасида Америка ҳаётини кўриб, унда бевосита иштирок этдим. Хориж тажрибаси бизни янада фаолликка, тезкорликка чақиради.

Тилагим "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", дея номланган 2023 йилда Янги Ўзбекистонимиз янада ривожлансин. Тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин.

Бобуржон Тўраев, "Hamkorbank" АТБ Навоий минтақавий банк хизматлари офиси етакчи менежери

— Бундан 10 йиллар олдин "Ўтаётган йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?" дея сўрашса, аъло баҳога ўқиганим ёки Қорқиз ва Қорбобо ҳақида сўзлаган бўлардим. Бироқ бугун мен улғайдим. Таассуротларимни бемалол сўзлай оламан.

Катта ҳарфлар билан "2022 йил - ОМАДЛАР ЙИЛИ" бўлди деб айтишга ҳақлиман. Акам 12 йил деганда фарзанд кўрди. Бу биринчи навбатда оиламиз қувончи. Ўзим қизлик бўлдим. Исми - Солиҳа. Оила бахти, тинчлиги, яқинларинг қувончи хотиржамлик бераркан ва ишга меҳр

қўяркан инсон.

Сотиш йўналишида юқори натижага эришган ходим сифатида эътироф этилдим ва бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирландим. Дубай, Миср ва Тожикистон бўйлаб саёҳат қилиш бахтига мушарраф бўлдим, дунё кездим. Фаолиятим давомида грейдим ошди, маошим кўтарилди.

Умрингиз давомида ниманидир ўзгартирмоқчи бўлсангиз одатларингизни кузатинг. Чунки улар сизнинг табиатингизда акс этади ва ҳаётингизга айланади. Мен ҳаётим давомида оддий-



лика интилдим. Ана шу оддийлик асносида ўқиб — изланиш ва меҳнат қилишдан тўхтамадим. Балки бу менинг яхши сифатларимдан бўлса керак (кулади). Шу боис ҳам кўплаб ютуқлар ва муваффақиятларни кўлга киритган бўлсам ажаб эмас.

Кириб келаётган Янги йил барча учун омадли келсин.

Аброрбек АБДУКАРИМОВ, "Hamkorbank" АТБ Балиқчи БХО якуний назорат мутахассиси

— Йил якунланиш арафасида ҳар қандай инсон ортига назар ташлайди, "нималарга эришдим, нималарни бой бердим", дея ўзига савол беради. Биз бу борада банкимиз нуктаи назаридан шундай таҳлил қилдик. Жамоамиз кузати-

лаётган йилда кўплаб ютуқларга эришди. Балиқчи тумани марказидаги 5 та банк филиаллари орасида ўз ўрнини яратдик. Буни тадбиркорларнинг 60 фоизга яқини банк хизматлари офисимизда ҳисоб рақами очганида ҳам кўриш мумкин.



Ҳамкасбларимнинг ютуқлари ҳам қувонарли. Давронбек Тоҳиржонов 400

га яқин тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини қозонди. Ёдгорбек Отажонов, Азизбек Қорабоевлар истеъмол кредити орқали кўплаб оилаларга қувонч улашди.

Бир сўз билан айтганда, эришган ютуқларимиз бизни янада фаолликка бошлайди.

Азиз юртимизлар!

Сизларни яқинлашиб келаётган 2023 йил билан самимий муборакбод этамиз. Янги йил барчамизга қувонч, бахт-саодат бахшида этсин. Юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик абадий бўлсин. Ютуқларимиз янада кўпайсин, дўстлар билан унутилмас, илиқ учрашувлар насиб этсин.

Янги йил остонасида барчангизга соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт-саодат, фаровонлик тилаймиз. Ҳаётингиз қувончли воқеалар билан тўлсин.

Биз халқимизга хизмат қилаётганимиздан мамнунмиз. Сифатли, тезкор ва замонавий хизматларимиз билан иқтисодий юксалиш сари бирга қадам босамиз. Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

"HAMKORBANK" АТБ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИ ЖАМОАСИ

ЯНГИ ЙИЛ ОСТОНАСИДА



Саминжон ҲУСАНОВ,
“Халқ сўзи” газетасининг
Андижон вилояти бўйича мухбири

— Ҳаётимда ортда қолаётган ҳар бир йилнинг ўзгача аҳамияти бор. 2022 йил ҳам шахсий ҳаётим ва хизмат фаолиятимда муваффақиятлар йили бўлди. Фарзандларим олий таълим талабаларига айланишди, қизимни турмушга узатдим, оилам билан янги уйга кўчиб ўтдим. Газетада юздан ортиқ, ижтимоий тармоқда минга яқин иқтисодий-ижтимоий мавзулардаги мақолаларим чоп этилди. “Бахт сари қадам...” номли қиссамни ёзиб тугатдим. Буларнинг барчаси умримнинг бахтли онлари ифодасидир. Ортада қолаётган йилдан ҳам миннатдор бўлмоққа ҳақлиман.

Аслида йиллар биз сўраган ниятларга элтувчидир. У бизга йўл кўрсатади, манзил сари сўқмоқларни очади. Мақсадга қандай ва қай йўлакдан боришимиз эса ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, кириб келаётган 2023 йил остонасида ҳам ниятларни катта олмақ ва унга эришмоқ учун ўзимизда ҳаракат, журъат, шижоатни касб этмоқни ҳар бир замондошимга тилаб қоламан. Ишонинг, Янги йил ҳамма йилдан кўра кўпроқ муваффақиятлар йили бўлади!



Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
соҳибаси

— 2022 йил менинг ҳаётимда янги марралар йили сифатида ўчмас из қолдирди, десам, муболаға бўлмайди. “Шамоллар чорраҳасида” номли ҳикоялар тўпламим нашрдан чиқди. Уч фарзандни тарбиялаб мактаб, боғча ёшига етказиб ва ниҳоят ўзимнинг сеvimли касбимда ишлаш имкониятига эга бўлдим. Қолаверса, яна бир янги китобимни чоп этириш арафасидаман.

Яқунланаётган йилдан чексиз миннатдорман. Бу йилдан олган таассурот ва мотивацияларим мени келгуси Янги йилда ҳам кўплаб ютуқлар ва муваффақиятлар сари йўллашига ишонаман.



“Hamkorbank” АТБ Шаҳрисабз универсал банк хизматлари офиси 2020 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда молия муассасамиз ўз мавқеига эга, юқори кўрсаткичларга эришаётган ташкилотга айланиб улгурди. Китоб ҳамда Чироқчи банк хизматлари офислари унинг икки қанотида айланган.

ЯНАДА ЮҚОРИ
НАТИЖАЛАРНИ
КЎЗЛАЯПМИЗ



2022 йил жамоамиз учун сермахсул йил сифатида яқунланаяпти, дея фахр билан айта оламан. Ҳар бир бўлим белгиланган режаларни муддатидан олдин ва юқори фоизларда бажаришни уддалади. Ўтган йилга нисбатан жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига умумий кўрсаткичларимиз 196 фоизга бажарилди.

Байрам арафасида ҳамкасбларимнинг ютуқлари билан мактанмоқчиман, ижобий маънода албатта. Кредит қўйилмалари 129, олимпиадиган даромадлар эса 111, ЭРКО даромад 128 фоизга етди. Пул ўтказмалари 708 фоизни, сўмдаги аҳоли омонатлари 131 фоизни кўрсатмоқда. Банккомат терминаллари билан 196, Сбербанк онлайн даромади эса 1098 фоизга бажарилди.

Кўплаб юридик мижозлар банк хизматларимиздан фойдаланиб юксалмоқда. Улар билан ҳамкорлигимиз туфайли биз ҳам иқтисодий ривожланаямиз. Такрор-такрор кредит олган “Маърифат Рустам” фермер хўжалиги, “Shahrisabz farm”, “Alegarx nur”

масъулияти чекланган жамиятлари, “Mirzohid Iskandar” хусусий корхонаси ва яна талайгина VIP мижозларимиз бор.

Ходимларимиз жуда аҳил ва ташаббускор. Ҳар бири ўзига хос ва нимаси биландир ажраб туради. Масалан, корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи М. Бозоров зийрак, ҳар қандай ҳужжатни синчиклаб текширади. Яқинда “Конституциямизнинг 30 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди. Қ.Холиёров, Ж.Эрбоев, Б.Норматов, Й.Хусанов, Б.Шероватов, Ж.Хушвақтов ва А.Мурадов каби ёш, шижоатли мутахассислар ўз йўналишида юқори кўрсаткичларга эришиб, банкимиз салоҳиятини оширяпти.

Режалар катта. Янги 2023 йилда барча йўналишлар бўйича юқори натижаларни кўзламоқдамиз. Кўзлаган марраларга етишишимизга ишонаман.

Мўътабар ТЕМИРОВА,
ходимлар билан ишлаш менежери.

ҲУРМАТЛИ
ЮРТДОШЛАР, АЗИЗ
ҲАМКАСБЛАР

“Hamkorbank” АТБ
Чуст универсал банк
хизматлари офиси

жамоаси кириб келаётган Янги
2023 йил билан барчангизни
муборакбод этади!

Айни пайтда юртимизда Янги йил байрами шукуҳи кезмоқда. Ўтаётган 2022 йил мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодийнинг барча тармоқларидаги каби банк соҳасида ҳам ўзгаришлар ва ислохотларга бой йил бўлди. Соҳада кўплаб янгиликлар, туб бурилишлар амалга оширилди. Бу миқдорлар ва ҳамкорларимиз билан муносабатларда ўз ифодасини топди.

Янги йилда ҳар бир ватандошимизга янги марраларни забт этишида, мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида улкан зафарлар ёр бўлсин. Хонадонингизга тинчлик, файзу барака тилаймиз. Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, бағрикенг халқимиз ҳамийша омон бўлсин!

ЯНГИ
ЙИЛИНГИЗ
ҚУТЛУҒ
БЎЛСИН!
2023



АМЕРИКАДА ЎЗБЕКОНА ҲАЁТ

— Мен тасодифларга ишонаман ва бунга кўп бор амин бўлганман, — дейди 17 йилдирки, Американинг Калифорния штатида яшовчи Саломат-хон Отахонова.

Саломат опа билан суҳбатимиз онлайн тарзда бўлди. Кўнгиноқ қилиб ўзимни таништирдим. “Хориждаги юртдошларимиз” лойиҳаси доирасида газетага мақола қилишимни айтганимда, очиги, опа жуда хурсанд бўлди. Унинг шодлиги сезилиб турарди сўз оҳангидан. Чехрасини кўз олдига келтирдим: юзида самимият ила табас-сум, сўзларида ҳам ҳаяжон, ҳам кувонч.

— Кўпинча океан орти ҳаётини ҳавас қилишади. Бизда ҳам шундай бўлди. Шунчаки, 2006 йилда “Green Card” ўйнадик ва ютиб олганимизда роса хурсанд бўлдик. Бу ўша кезларда соғлиғимиздаги муаммоларни бартараф этиш учун яхши имконият ҳам эди.

Юртимиздан чиқиб кетаётганда юрагимда ғалати бир туйғуни сездим “менга нима бор ўзга юртларда?”, дедиму бироқ дунё кезиш ва “Америка -

сеҳрли диёр”нинг қанчалар тўғри эканини билиш мақсадида учиб кетдим.

Мусофирликнинг ҳар бир куни юртимга бўлган ҳурматимни оширди. Яшашдан қийналмаган бўлсақда, соғинчнинг ўрнини ҳеч бир моддият тўлдиролмаслигини тушундим. Бироқ инсон қадр-қимматининг юксаклигига гувоҳ бўлдим бу ўлкада.

Ҳаётимизнинг илк “америкача” тарзи унчалик қийинчилик туғдирмади. Турмуш ўртоғим билан ёшимиз 50 дан ошган бўлсада инглиз тилини ўргандик (мукаммал эмасу яшаш учун зарур сўзлар). Бу жуда керак эди.

Бу юртда ҳар қандай миллат вакили тенг ҳуқуқли, бепул тил ўрганишади ва ҳар бир тил ҳурмат қилинади. Қайси ташкилотга борманг, хоҳлаган тилда сўзлашиш учун таржимон хизмат қилади. Хориждан келган муҳожир жамиятда ўз ўрнини топиб олгунча

моддий ва маънавий кўмак берилади. Ирқи, миллати, этникодининг фарқи йўқ: бир хил ҳурмат, бир хил эътибор.

Калифорнияда атроф-муҳит муҳофазаси, тозалик ва соғлом

фланадиган вақтни кузатиш.

Болаларга эътибор юқори. Уларнинг ҳар бир фикри инobatга олинади, эркин сўзлашиш имкони кенг.

Ҳатто биз мусулмонларни алоҳида табриқлайди.

Истеъдодлар юрти Америка, дея бемалол айта оламан. Ҳар бир иқтидор қўллаб-қувватланади, эъзозланади. Келажақ учун нафақат ёшларга, балки ҳар бир фуқароси учун имкониятлар яратилган. Шунинг учун доим набираларим ва яқинларимга илм излаш, кўп ўқиш кераклигини



турмуш тарзи таҳсинга лойиқ.

Сан-Францисконинг тўрт тарафи уммон бўлгани учун табиати илиқ. Доимо баҳор, гуллар билан бурканган. Ҳамма спорт билан шуғулланади, ўз соғлиғи учун қайғуради. Биз оналаримиз 60 ёшга кирдим, қари ҳисоблаймиз ва парваришга муҳтож, деб ўйлаймиз. Ҳурмат юзасидан “дам олинг, кўп ҳаракат қилманг” деб нотўғри маслаҳат берарканмиз.

Ҳаёт ҳаракатга, онгни тинч қўймаслик ва тинмай излашишга боғлиқлигини ҳис қилдим бу юртда. Ўзбекистон муболағасиз жаннатмакон юрт эканлигини, унинг ҳар бир гўшасида инсон соғлиғи учун зарур нарса-лар мавжудлигини тушундим. Сеҳрли диёрнинг одамлари енгил таомлар, мева ва сабзавотлар кунлик овқатланиш меъёри, спорт, саёҳат, билим олишга сар-

Ота-она худди катталар билан гаплашгандай муносабатда бўлиши уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида, ўқиб, касб танлашида, жамиятнинг фаол инсон бўлиб шаклланишида муҳим.

Оилавий ажримлар жуда кам ва мураккаб. Боланинг руҳиятига ёмон таъсир кўрсатмаслик учун оила ажрашгандан кейин ҳам ота-она бирданди масъул. Ажрим қарорида болага моддий кўмак, маънавий қўллаб-қувватлаш иккала тарафга тенг тақсимланади.

— Йил алмашиш арафасида турибмиз, байрамни қай тарзда нишонлайсизлар?

— Ўзбекистонда қандай нишонланса, биз ҳам шундай кутиб оламиз. Ҳар бир муҳим сана ёки байрам ҳеч қандай чекловларсиз ўтказилади. Давлат раҳбари ҳар бир миллат вакилига ҳурмат билан қарайди.

таъкидлайман. Аммо бизни барибир она юрт соғинчи қийнайди. Биласизми, урф-одатларимиз ва тилимизни сақлаб қолиш, маданиятимизни хорижда тарғиб қилиш мақсадида Сан-Франциско ва океан бўйи ўзбекларининг кенгашини ташкил қилганмиз. Наврўз, Ҳайит байрамлари ва Мустақиллик кунларини катта тантана билан нишонлаймиз. Тадбирларимизда турли миллат вакиллари, шаҳар губернаторлари, депутатлар қизиқиш билан иштирок этади. Ўзбек маданиятининг нақадар бойлигини кўриб ҳайратландадилар. Кенгаш аъзолари юртимиз байроғини баланд кўтариб давлатимиз қудратини бутун дунёдан келиб яшаётган турли миллат вакилларига кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА

Марварид қадимдан аёлларнинг сеvimли тақинчоғи бўлиб келган. Бундай тақинчоқларни харид қилишда унинг фарқида боришимиз керак.

АСЛ МАРВАРИД



Марварид икки турга бўлинади: табиий ва сунъий. Сунъий дурларнинг нархи унчалик қиммат эмас. Табиий марварид табиатдан олиниб, у чиғаноқ ичида пайдо бўлади. Соф марвариднинг ҳосил бўлиши мураккаб жараён. Уни уммон

остидан излаб, олиб чиқиш осон эмас. Шу боис, унинг нархи арзон бўлмайди. Табиий марвариддан ташқари сув ҳавзаларида етиштирилган чиғаноқлардан ҳам марваридлар олинади. Улар ҳам худди табиий марваридларга ўхшаб оғир бўлади.

МАҲСУЛОТ ТАНЛАШДА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Дурни танлаш учун унинг ялтирашига, рангига, товланши сифати, ҳажми-ўлчами ва шаклига эътибор қаратиш лозим. Бу ишда шошма-шошарлик кетмайди.

Соф марвариднинг ичи ялти-

райди. Унинг ёрқин тарафлари ва сояли жойлари ўртасида ўткир контраст кўринади. Натижада унинг ичида шар иллюзияси кўринади. Буни яққол кўриш учун марвариднинг устки ёрқин тарафига қараш керак.

МАРВАРИД РАНГИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Марварид рангини юзингиз шакли ва сочингиз рангига мос тарзда танланг. Лекин бўялмаган дур жимжимадор кўринади. Табиийси, кулранг, қора, оқ рангда, пушти бўлади. Оқ ранглиси арзонроқ баҳоланади. Камнамо дур пушти ранглиси бўлиб, у табиятда кам учрайди.

ШАКЛИ ВА ҲАЖМИ АҲАМИЯТЛИ

Асл марварид думалоқ шаклда сип-силлиқ бўлади. Агар унда

БИЛАСИЗМИ?

қорамтир рангда кўзга ташланувчи нуқсонларни кўрсангиз, бундай тақинчоқни олишга шошмаслик керак. Марварид қанчалик катта бўлса, у шунчалик қиммат баҳоланади.

Ҳақиқий марваридни аниқлаш учун уни 40-50 см. тепадан ясси ҳамда тўғри жойга ташланади. Шу онда дур сакрай бошлайди. Сунъий дур бундай ҳолатдан мустасно.

Соф марваридни ультрабинафша нурида кузатганда, табиийси ҳаворанг бўлиб жилоланади. Инсон қўли билан яратилгани эса яшил тусда товланади.

10 каратли лупада кузатганда эса марвариднинг ўрта қисми ва устки қатлами орасида ингичка қора чизиқ кўринади.

В. ПЎЛАТОВА

Жон Рокфеллер тарихда илк бор доллар миллиардерига ва биринчи нефть магнатига айланди, биринчи трастга асос солди ва хайр-саховат кўрсатишда унга ҳеч ким тенг келолмади. Ҳали қанузгача у ҳамма даврлардаги энг бой америкалик ҳисобланади. Бизнес-карьерасини биргина сўз билан ифодалаш мумкин: эталон.


ЖОН РОКФЕЛЛЕР

У 1839 йилда Американинг Ричворт шаҳрида таваллуд топди. Болалигида илоҳиёт ва математикага қизиқди. Кучли хотираси, мустақам иродаси, совуққонлиги билан мақсадлари сари дадил интилди. Савдо ва бухгалтерия ҳисоби бўйича уч ойлик курсни тамомлагач, дастлабки иш фаолиятини фирма бухгалтерии ёрдамчиси сифатида бошлади. Биринчи маошдан сотиб олган ёндафтарчасига шахсий кириш-чиқимларини эришмай ёзиб борди.

1856 йилда фирма бошқарувчиси ишдан бўшатилгач, ўрнига ёш Рокфеллер тайинланади. Аммо белгиланган маошдан қониқмаган Жон компаниядан кетади ва мустақил иш бошлашга интилади.

1862 йилда нефть қазиб чиқариш худудларни кезиб, уларни ўрганиб чиққан Рокфеллерда мазкур соҳа савдосига қизиқиш уйғонади. Алоҳида фирма ташкиллаштириб, ишга киришади. Бизнесменлар орасида биринчи бўлиб нефть ташишга мўлжалланган ёғоч бочка (баррел) лардан воз кечади ва уларни металлдан тайёрланганларига алмаштиради. Рақобатчилар ҳам унинг ғоясидан фойдаланишга киришгач, у нефтни темирйўл цистерналарида ташишга киришади. Бошқалар унинг ортидан цистерналардан фойдаланишни бошлаганда, Рокфеллер аллақачоноқ нефтувурларини амалиётга жорий этиб бўлганди.

Унга тегишли "Standard Oil" компанияси вақт ўтган сари кучайиб борди. Нефть савдоси билан шуғулланувчи 26



РОКФЕЛЛЕРНИНГ МАШҲУР ИБОРАЛАРИ

* Биринчисидан ташқари ишлаб топган ҳар бир миллион пулимни ҳисоб-китоб қила оламан.

* Ўзимнинг юз фоиз савб-ҳаракатимдан кўра, юз кишининг бир фоиз савб-ҳаракатидан даромадни олишни афзал биламан.

* Ҳамма нарсани биладиган одамдан кўра, ғайратли одамни ишга ёллашни маъқул кўраман.

* Бойлик бу — буюк неъмат ёки лаънатдир...

* Одамларни бошқариш қобилияти бу — биз шакар ёки қаҳва сотиб олганимиз каби харид қилинадиган маҳсулотдир. Ва мен бундай қобилият учун дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ пул тўлайман.

* Бутун умрини пул учун, пул ишлашга бағишлаган одамдан кўра жирканчли ва ачинарли нарсани билмайман.

компаниядан 22 таси тез орада унинг ихтиёрига ўтди. 1877 йилга келиб АҚШ нефть саноатининг 90 фоизи назорати остида эди.

Кейинчалик Рокфеллер корпорациянинг инновацион шаклини ўйлаб топди ва АҚШ тарихида илк бор "Standard Oil Trust" трастини ташкиллаштирди. У 41 та компанияни бирлаштирган 100 мингдан зиёд ходимга эга "корпорацияларнинг корпорацияси" эди. Трастда ҳаммаси ўзгача эди: ҳар бир баррел нефть қатъий ҳисобда, қазиб чиқаришдан сотишгача бўлган жараён жиддий назоратда, ходимлар фаолияти доимий этиборда. Яхши ишлаганлар қўшимча рағбатлантирилди, дунгасалар эса аяб ўтирилмасди...

1901 йилда Рокфеллер тиббий тадқиқотлар инсти-

тутини ташкил этди. Рокфеллернинг оиласининг тиббиёт тараққиётига ҳиссасини ҳамма эътироф эта бошлади. Тадбиркор АҚШ жанубида шифохоналар қурилишига катта маблағ ажратди. Шунга қарамай унинг компаниялари ҳақида салбий қарашлар

ўзгармади. Ҳатто ўша даврдаги АҚШ президенти Т. Рузвельт "Standard Oil" директорларини "мамлакатдаги энг катта жиноятчилар" деб аташгача борди.

1937 йилда Рокфеллернинг сармояси 1,4 миллиард долларга етади. Бу, ҳозирги даврга солиштирганда, 192 миллиард долларга тенгдир. Нефть бизнесидан ташқари у 16 та темирйўл ва 6 та пўлат қуйиш компаниясига, 6 та кемачилик тармоғи, 9 та банкка ва бошқа кўплаб мол-мулкка, апельсин плантацияларига эга эди.

1937 йил Рокфеллер ўзи-

дан ақл бовар қилмас мерос қолдириб, 97 ёшида вафот этди.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ
тайёрлади.

Ишдан кеч чиқдим.
Шом қоронғуси тушган, қаҳратон қишининг совуғи жунжиктиради. Атрофни туман қоплаган, бир қадамдан нари кўринмайди. Лекин ҳаво тоза, ёқимли. Манзилим анчайин узоқ бўлса-да пилда юргим келди.



БИЗНИ МЕҲР БИРЛАШТИРДИ

Хаёлларим ҳамроҳлик қилди-ўйга толдим. Таҳририятга ишга келганимга роса икки йил бўлди. Мўъжазгина жамоамизни асосан ёшлар ташкил қилади. Бири ака, бири ука — гўё бир оила. Меҳрлари ҳам ўзгача-такрорланмас. Бир-биримизга шунчалар ўрганиб қолганимизки, бирортамиз бир кун йўқ бўлсак, ўрнимиз билинади. "Вой бормисиз?" дея кутиб ола-миз худдики бир неча кун бўлмагандек.

Яқинда бир ҳамкасбим маошининг камлигидан ёзғириб қолди. Ойлиги кўпроқ ишдан таклиф тушаётганини айтди. Бироқ бу ердаги меҳр, самимий туйғулар йўл бермаётганини билдирди. Худди шундай ҳолат менда ҳам юз берди. Унча қийин бўлмаган, тўғрироғи, мен эплай оладиган иш, маоши ҳам ҳозиргидан анча кўп. Ҳамкасбимни кўнглидан ўтган туйғулар менда ҳам бошланди. Нима қилмоқ керак?...

Эрта баҳорда соғлиғим билан боғлиқ муаммога дуч келдим-катта операцияни бошимдан ўтказдим. Ўшанда кўнглимдан кечганлари ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Кўзимни очиб кенг ва ёруғ оламни кўрганимда, дилбандларим ва яқинларим нигоҳига кўзим тушганида тириклик бахт эканини ҳис қилдим. 3 ой деганда ишга қайтдим, ҳамкасбларим меҳр тўла кўзлари билан кутиб олишди. Мана шу меҳрни соғинган эканман.

Бизга қувончли ва бахтли онларни газета-мизнинг изланувчан ходимаси бошлаб берди. Ёш бўлишига қарамай маҳалла аҳлининг ишонч ва ҳурмати қозонди — маҳалласига раис этиб сайланди. Бугун ўз вазифасини виждонан ва сидқидилдан бажаряпти. Раҳбаримиз эса мусулмонларнинг беш амалидан бири Умра зиёратини бажариб келди. Яна бир касбдошим Аллоҳнинг иродаси ва онаизорининг Умра сафарида қилган дуоси ижобати билан 4 қиздан сўнг ўғил кўрди. Унинг қувончи жамоани жонлантириб юборди. Барчамиз бирдай хурсанд бўлдик. Қувноқ, қаққон ҳисобчимиз талаба деган мақомга эга бўлди. Бу унинг коллежни тамомлаганидан буён орзуси эди. У ҳам олий маълумотли бўлади энди. Икки фарзанднинг отаси студентимиз хурсанд. Бу қувончлар мени ҳам четлаб ўтмади, қизим талаба бўлди. Иш-уй ҳаётимиз давом этар, Яратганнинг иродасини қарангки ҳар биримизни бир-бир омад ва муваффақиятлар билан сийлади.

Йил якунланаяпти. Ўтаётган кунлардан барчамиз ўз наздимизда миннатдоримиз. Бу балки бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари. Мана шу шодлиғ қувончлар, бахт туйғусини қайси моддият тўлдириши мумкин? Ҳеч қандай. Демак, бизнинг ҳар биримизда битмас-туганмас меҳр бор. Бизни ана шу меҳр бирлаштирди.

НИЛУФАР

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ...

Ўғлим, шу сўзларим ёдингдан чиқмасин: — фарзандингга тарбияни туғилганидан бошла. Акс ҳолда у кўчанинг тарбиясини олади.

Иккинчиси, мактаб тарбия эмас, таълим беради. Чунки, у илм ўчоғи! Бола учун тарбия ўчоғи оиладир. Ота-онадан олинган тарбияни ўқитувчи сайқаллаши мумкин, холос.

Яна эсингдан чиқмасин: болани тарбияловчилар ҳам тарбияли бўлишлари муҳимдир...

ДЎСТМИ Ё ДУШМАН?

Танамизда шундай аъзо борки, унинг бизга дўст ё душманлигини билмаймиз. Билганимизда эса, кеч ҳам бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло бизни яратаётганида, уни 32 та мустақам қўриқчи ортга қўйгани бежиз эмас. Аммо, шунда ҳам тек турмаса, унинг "шарофати" билан бошимизга балолар ёғилади.

Унинг тизгини Ақлининг қўлида бўлганларга ҳавас қиламан. Аксинча, жиловни бўш қўйилса, бошига жабр етганларни ҳам кўрдим...

У қайси аъзо эканини тушунганларга тасаннолар айтамин...

ШОГИРДГА ОТИЛГАН "ТОШ"

Қайсидир тадбирда икки киши бир шогирдимнинг салбий томонлари ҳақида гапириб ўтиришди. Мени тинишмагани учун индамай, уларни танишладан бошқа чора тополмадим.

Ташқарига чиққанимизда, мени ва шогирдимни яхши биладиган дўстимиз танбех берди:

— Негаш шогирдингиз тарафини олмадингиз? Бу, сизнинг шайнингизга ҳам тегмайdimи?..

— Тегса, нима қилай? Ахир, ундаги ўша нуқсонни вақтида бартараф эта олмаган ўзимда-да айб...

Шогирдларга отилган ҳар бир "тош" нақ устозлар юрагига келиб тегишини шу кун билдим...

Нажмиддин ИКРОМИЙ

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР, ГАЗЕТАМИЗНИНГ МУХЛИСЛАРИ!

Жонажон Ватанимиз тарихида чуқур из қолдирган 2022 йил ҳам поёни-га етмоқда. Ўтган давр барча жабҳаларда катта ўзгаришлар, жамиятимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди.

Йилимизнинг эътиборга молик ҳар бир воқелиги – ҳоҳ мамлакатимизда, ҳоҳ хорижда бўлсин – таҳририятимиз диққат марказида турди ва уларни имкон қадар ранг-баранг тарзда, турфа жанрлар орқали сизларга етказишга уриндик.

“Ўзбекистон бўйлаб”, “Бу, ҳаёт”, “Дунёни ўзгартирган молиячилар”, “Ишдан ташқари суҳбат”, “Бизнинг мижоз”, “Мен билган ҳақиқатлар”, “Ётти иқлимдан дараклар” сингари рукнлар остида берилган материаллар газетхонларимизда қизиқиш

уйғотганидан мамнунмиз. Шу ўринда жамоатчи мухбирларимиз, фидойи қаламкашларимизнинг республикаимизнинг турли ҳудудларидан юборган “қайноқ” хабарлари, янгиликлари ва бошқа мақолалари газетамизнинг мундарижасини бойитишда алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлашни истардик.

Келаси йилда нашримиз ўқувчилари етти минг беш юз нафарга етиши кутиляпти. Буборада Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Навоий ва Бухоро вилоятларида обуна фаол ташкил этил-



ганидан мамнунмиз ва хайрли ишга астойдил бош қўшган мутасаддиларга, ташкилотчиларга миннатдорлик билдирамыз.

“Ҳар одам бир олам” деганларидай, ҳар бир газетхоннинг ўз дунёқараши, қизиқиши бор, албатта. Шуни эътиборга олиб, янги - 2023 йилда газетамизнинг мазмун-моҳиятини янада бойитишни, янги ва долзарб рукнлар остида оммабоп ва ҳаммабоп материаллар бериб боришни режалаштиряпмиз. Ишонамизки, ишхонангизга ёхуд хонадонингизга эзгу ниятда кириб борган “Hamkor press” келгуси йилда ҳам сизнинг энг яхши маънавий ҳамкорингизга, суҳбатдошингизга ва қадрдонингизга айланади.

“Hamkor press”
газетаси таҳририяти.

Янги йил кимнинг байрами?

Тарихий маълумотларга кўра, тахминан XVII аср охирига қадар бутун дунёда Янги йил байрами март ойининг бошида, баҳорги экин-текинлар мавсуми билан бир вақтда нишонланган. Милоддан аввалги 46 йилда Юлий Цезарнинг Янги йилни 1 январдан бошлаш ҳақидаги қарори ҳақида маълумотлар ҳам бор. Бироқ ўша вақтда бу кенг тарқалган удумга айланмаган.



Россияда Янги йилни кенг нишонлаш одати Пётр I даврида пайдо бўлган. Бир неча йил Европада яшаб, уларнинг турмуш тарзини ўрганган рус императори 1699 йилнинг 29, 30 декабрида 2 та фармон чиқаради.

Уларнинг бирида Россияда йил ҳисоблашни янгича тақвимга кўра амалга оширишни назарда тутган эди. Шунга қадар Россияда йиллар Византия тақвими


кўра (дунё пайдо бўлган кундан бошлаб) ҳисобланган. Шундай қилиб эски тақвимдаги 7208 йил янги тақвимига мувофиқ 1700 йилга айланади.

Иккинчи фармонда Европа давлатларида бўлгани каби, Янги йил шарафига Москва шаҳар кўчалари ва йирик биноларни арча шоҳлари билан безатиш, байрам оқшомида олов ёқиш, мушакбозлик қилиш

айтиб ўтилган.

Пётр I давридан сўнг Янги йил байрамини нишонлаш, секин-аста унутила бошлади, десак ҳам бўлади. Байрам фақат айрим бадавлат хонадонларда ўтказилар эди. Елизавета I даврида, Янги йил оқшоми бир неча минг киши иштирокида балл-маскарадалар ўтказиш русум бўлади. Кейинроқ Екатерина II даврида эса, байрамда шампан виноси ичиш ва бир-бирига совға улашиш одати пайдо бўлган. 1852 йилда Санкт-Петербургдаги Екатеринбург вокзали майдонида Россиядаги биринчи Янги йил арчаси ўрнатилади.

Назулло ҲАМРОЕВ



Офисда:

— Нима қилай, компютерим принтерни кўрмапти!?

— Мониторни принтер томонга қаратиб қўйишнинг керак!

Таксида она ўғли билан кетаётган экан. Ўғли ҳайдовчидан кўзини узмай қарайверибди. Буни кўрган ҳайдовчи:

— Ҳой болакай, нега менга тикилиб кетяпсан? – деса, болакай:

— Йўлда ёпиқ турган метан заправкларни кўриб сиз ҳам адам айтган сўзларни айтармикансиз деб қараб кетяпман, - дебди.

— Лоторейда пул ютиб олсам нима қиласан?

— Вой адаси, пулни ярмини берсангиз, ҳамма айтган ишларингизни қилиб қўярдим.

— Жуда яхши! Лоторейдан 100 минг сўм ютук чиқди. Мана 50 минг. Ҳовлидаги қорларни тозала, машинамни ювиб қўй, бозорга бориб рўзғор қилиб кел!

— Уйда Wi-Fi ишламай қолди. Ҳозир бориб идишларни юваман, кирларни юваман, уй тозалайман, кечки овқатни тайёрлайман, ...

Ие, ана бўлди! Ишлаб кетди!

Шифокор қабулига келган бемор:

— Жудаям семириб кетяпман. Нима қилсам бўлади?

— Жисмоний машқларни кўпроқ бажаринг!

— Шундоқ ҳам ишга пиёда бориб-келаман.

— Бу камлик қилади. Эрталаб ва кечкурунги тикилинч вақтда автобуска чиқиб туринг!

АЗИЁ ҲАМКАСБЛАР ВА МИЖОЗЛАР

Сизларни кириб келаётган 2023 йил билан самимий табриклаймиз. Янги йилда тинч ва хотиржам ҳаётимиз бардавом бўлсин.

Тарих-зарварақларига муҳрланиб бораётган 2022 йилда банкимиз Сиз мижозларимизга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиб ишончингизни оқлаганидан хурсандмиз. Келгуси йилда ҳам ҳамкорлигимиз давом этади. Зеро, “Hamkorbank” сиз билан юкса-лиш йўлида.

Кириб келаётган Янги йилда барчангизнинг умид ва орзуларингиз ушалишига тилакдошимиз. Истиқболдаги режаларингиз амалга ошсин, ҳар биримиз учун муваффақиятлар ва баркамоллик йили бўлсин.

Янги йилингиз билан!

**“HAMKORBANK” АТБ САМАРҚАНД
МИНТАҚАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИ**



МУАССИС:

“HAMKOR PRESS” MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-1249 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2141-9734



Сотувда
келишилган
нархда.